

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 3 март, № 46 (8108)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ КОНТРТЕРРОР БОШҚАРМАСИ РАҲБАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари — Контртеррор бошқармаси раҳбари Владимир Воронковни қабул қилди. У БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегияси бўйича Тошкент халқаро конференцияси доирасида мамлакатимизда бўлиб турибди.



Учрашув аввалида Владимир Воронков Ўзбекистон Президентига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерришнинг самимий салом ва энг эзгу тилаklarини етказди. Эртага пойтахтимизда иш бошлайдиган икки кунлик нуфузли халқаро конференцияни ўтказиш ташаббуси ва унинг ташкил этилгани учун алоҳида миннатдорлик билдирилди.

Мамлакатимизнинг БМТ институт ва тузилмалари, шу жумладан, Контртеррор бошқармаси билан амалий ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари сермахсул ҳамкорликнинг бугунги даражасини мамнуният билан қайд этди. Хусусан, Ўзбекистон борашининг террорчиликка қарши курашиш борасидаги 15 та лойиҳасини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Марказий Осиё минтақаси давлатларининг

янгилашган Қўшма ҳаракат режасини амалга ошириш ва лойиҳалар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси доирасида кўп томонлама тадбирлар ўтказиш, ёшларни экстремизм ва терроризмнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, "қайноқ нуқталар"дан қайтарилган

шахсларни реабилитация ва реинтеграция қилиш соҳасида тажриба алмашиш ҳамда кадрлар тайёрлаш йўналишида ҳамкорлик қилиш имкониятлари муҳокама қилинди. Минтақа кун тартибидagi масалалар, шу жумладан, Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши, афғон халқига қўмақлашиш ва ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва БМТ Контртеррор бошқармаси ўртасидаги амалий шериклики кенгайтириш бўйича қўшма "Йул харитаси"ни тайёрлаш тўғрисида келишувга эришилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ПОКИСТОНГА БОРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Имрон Хоннинг тақлифи биноан 3-4 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Бўлажак олий даражадаги музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари ўрин олган.

Энг аввало, савдо, инвестициялар, sanoat кооперацияси, транспорт, логистика, инфратузилма ва туризм соҳаларида амалий ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Халқаро ва минтақа кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

Саммит якунида қўшма декларация ва қатор икки томонлама ҳужжатларни қабул қилиш режалаштирилган.

Ташриф дастурига мувофиқ, давлатимиз раҳбари Покистон Президенти Ориф Алвий, ушбу мамлакат идоралари ва етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон — Покистон: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧИ

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислам Республикасига давлат ташрифи бошланади. Ушбу муҳим сиёсий воқеа олдидан мамлакатимизнинг Покистон билан ўзаро муносабатларига оид муҳим маълумот ва фикр-мулоҳазаларни ўқувчилар билан ўртоқлашиш, шубҳасиз, мақсадга мувофиқ бўлади.

Салкам 227 миллион нуфусга эга бўлган Покистон жаҳонда аҳолисининг сони бўйича бешинчи, мусулмон аҳолисининг сони жиҳатидан эса иккинчи ўринда туради. Шарқда Ҳиндистон, Фарбда Афғонистон ва Эрон, Шимолда Хитой билан чегарадош, Жануби эса Араб денгизи билан ўралган мамлакат бугунги кунда XXI асрда дунёнинг энг йирик иқтисодийётларидан бирига эгаллик қилиши учун улкан салоҳияти мавжуд бўлган ўн бир давлат қаторидан жой олган.

Покистон ўзининг улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-иқтисодий, маданий-гуманитар салоҳияти, инсон ресурслари, қўлай геосиёсий жойлашуви ҳамда юртайёган вазмин ташқи сиёсати туяфайли ҳозирги пайтда

минтақавий сиёсий ҳаётда, муҳим халқаро муаммоларнинг ҳал этилишида етакчи мамлакатлардан бири бўлиб турибди.

Ўзбекистон — Покистон муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболларига тўхталар эканмиз, энг аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар барча йўналишда тобора мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Покистон билан кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш Ўзбекистон манфаатларига мос келади. Айни пайтда бу ҳамкорлик ўз ривожланишининг янги тарихий босқичда турибди.

Дарҳақиқат, мамлакатларимиз ўртасидаги самарали мулоқотнинг ўрнатилиши ва мустаҳкамланишининг замирида тарихий за-

рурат турганини кўриш қийин эмас. Мозий-га назар ташлар эканмиз, ўзбек халқининг буюк фарзанди Заҳриддин Муҳаммад Бобур XVI асрда бугунги Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш ва Афғонистоннинг Жануби-Шарқий ҳудудидида қудратли салтанатга асос солганини ва бу халқларимиз ўртасидаги маданий ва маънавий муштаракликнинг ривож топишига қўмақлашгани аён бўлади. Уша даврнинг маданий-тарихий ва илмий мероси келажак авлодлар учун абадулабад бебаҳо бойлик бўлиб қолши тайин.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Покистон пойтахтларида икки давлат элчихоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар 1992 йил май ойида ўрнатилган ўзаро муносабатларнинг изчил ривожланиши учун қўмақлашишга даъват этилган. Ҳар икки мамлакат парламентларида дўстлик гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилган.



ПОКИСТОНДА «ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Покистонда "Шавкат Мирзиёев: Янги Ўзбекистон стратегияси" номли китобнинг тақдимоти ўтказилди. Ушбу тадбир Покистон Ахборот вазирлиги ва Панжоб университети томонидан Исломободдаги Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази (ГСТМ) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тақдимотда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Фуркат Сидиков, Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов, Покистон ахборот вазири ўринбосари С. Мубашар, Панжоб университети ректори, профессор Салим Мазҳар, етакчи таҳлил марказлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Тақдимот чоғида Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли сиёсий ва иқтисодий-иқтисодий ислохотлар ҳақидаги атрафли-ча маълумотлар тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. Ўзбек халқининг, айниқса, Бобурийлар даврининг тарихий-маданий меросини асраб-авайлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган сай-ҳаракатлар олқашилди.

Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсати нафақат минтақавий ҳамкорлик, балки Марказий ва Жанубий Осиё, энг аввало, Покистон билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун қўлай шарт-шароитларни яратганига алоҳида эътибор қаратилди.

"PTV World" марказий телеканалининг бош муҳаррири Раза Ханнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президентининг стратегик қарашлари минтақалараро ҳамкорлик учун янги имкониятларни очиб беради. Унинг фикрича, Ўзбекистон ва Покистон раҳбарларининг Тер-

миз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлаши Марказий ва Жанубий Осиё халқларининг узоқ кутилган орзуси — барқарор ўзаро боғлиқлик ва иқтисодий фаровонлиқни таъминлаши, шу жумладан, бу орзунини қўшни Афғонистонда ҳам рўйб-га чиқаришга имконият яратди.

Ахборот вазирининг ўринбосари С. Мубашарнинг таъкидлашича, Покистонда икки томонлама муносабатлар тарихида илк бор Покистон ҳукуматининг кўмагида янги Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг мазмун-моҳиятини очиб берадиган юксак илмий даражадаги китоб нашр этилган. Бу маънавий қадриятлар ва миллий аъёнларга содиқ бўлган ижтимоий йўналтирилган ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далolat беради.

У Покистон жамоатчилигини Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан батафсил таништириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг ижтимоий-иқтисодий ислохотлари ҳақидаги нашрларни урду тилида чоп этиш амалиётини изчил давом эттиришни таъкиф қилди.

"Бу икки қардош халқ ва мамлакат раҳбарларининг аҳоли фаровонлигини юксалтиришга, мамлакатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш-

га ва хоржий шериклар билан ишончли алоқаларни ривожлантиришга бўлган интилишларини янада чуқур англаш имконини беради", деди Покистон Ахборот вазирлиги вакили.

Панжоб университети ректори Профессор Салим Мазҳар Ўзбекистон ва Покистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва ташқи сиёсий устуворлиқлари ўшаши эканлигини қайд этди.

"Шу боис Покистон ҳукумати, эксперт ва академик доиралари янги Ўзбекистоннинг минтақавий ташаббуслари ва иқтисодий муваффақиятларини ўрганишга, жумладан, икки томонлама ҳамкорликнинг "усул нуқталари"ни аниқлашга катта қизиқиш билдирмоқда.

Ўзбекистон ва Покистон минтақавий ўзаро боғлиқликнинг асосий ҳаракатлантурувчи кучларига айланади, бу келажақда "Катта Осиёда" янги иқтисодий маконни шакллантиришга имкон беради", дея қўшимча қилди Салим Мазҳар.

Сиёсат ва халқаро муносабатлар мактаби профессори З. Жаспал Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазирининг сиёсий қарашлари ва ёндашувларидаги ўшашилик мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларининг ишончли асосига айланишини алоҳида таъкидлади.

"Олдидида турган Ўзбекистон — Покистон саммити икки томонлама ҳамкорлик, минтақавий ҳавфсизликни мустаҳкамлаш ва Афғонистондаги вазиятнинг ҳал қилишининг янги истиқболларини очиб беради", деди у.

«Дунё» АА. Исломобод

Глобал таҳдид

ТЕРРОРИЗМГА ҚАТТИҚ ЗАРБА

халқаро иллатга қарши муросасиз кураш

Шу йилнинг 3-4 март кунлари пойтахтимизда "БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Бу тадбир минтақа мамлакатлари ва халқаро ҳамжамиятнинг терроризмга қарши кураш бўйича келишилган ҳамда мувофиқлаштирилган чоратadbирларини ишлаб чиқиш, амалга оширишга қаратилган сай-ҳаракатларини фаолаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Президенти томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган ташаббус асосида ўтказилаётган мазкур анжуманда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини Марказий Осиёда амалга ошириш бўйича ноёб тажриба тақдим этилади. Шунингдек, терроризмга қарши курашда ҳамкорлик, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинади, келгуси давр учун вазифалар белгилаб олинади.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Фавқулодда ҳолат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 16 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 3 февралда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 130-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 3, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) 16-моддаси қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг айрим жойида жорий этилган фавқулодда ҳолат амал қилишининг бутун даври мобайнида ушбу жойда жойлашган халқ депутатлари Кенгашларига сайлов ўтказилмайди»;

2) қуйидаги мазмундаги 254-модда билан тўлдирилсин:

«254-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини чеклаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолатни жорий этиш тўғрисидаги фармонида фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш назарда тутилиши мумкин».

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

«Фавқулодда ҳолат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги 915–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–350-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда; 2018 йил, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 9, 588, 591-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги мазмундаги **10¹-модда** билан тўлдирилсин:

«**10¹-модда. Фуқаролар йиғини фаолиятини чеклаш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолатни жорий этиш тўғрисидаги фармонида фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида фуқаролар йиғинининг ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш назарда тутилмиши мумкин».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**»ги 69–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ–328-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда; № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 384, 385-моддалар; 2018 йил, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 3, 166-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1,

2-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **42-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**42-модда. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш**

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади. Бунда тадбиркорлик субъектларига нисбатан қуйидаги ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибда қўлланилади:

- фаолиятни тугатиш;
- атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта иختисослаштириш;
- фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиги учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;
- банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун берилган лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилмаган лицензиялар (рухсатномалар) мустасно.

Фавқулодда ҳолат шароитида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш «Фавқулодда ҳолат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

Конституциявий Қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 15 октябрда қабул қилинган «**Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида**»ги ЎРҚ–499-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 675-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги мазмундаги **10¹-модда** билан тўлдирилсин:

«**10¹-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови ўтказилишини чеклаш**

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда ёки айрим жойларида жорий этилган фавқулодда ҳолат амал қилишининг бутун муддати давомида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови ўтказилмайди».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 июнда қабул қилинган ЎРҚ–544-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 6, 327-модда; 2021 йил, № 2, 139-модда, 4-сонга илова, № 6, 518-модда) қуйидаги мазмундаги **8¹-модда** билан тўлдирилсин:

«**8¹-модда. Сайлов ўтказилишини чеклаш**

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда ёки айрим жойларида жорий этилган фавқулодда ҳолат амал қилишининг бутун муддати давомида сайловлар ўтказилмайди».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда

қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–682-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 288-модда) **45-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар буйруқлари ва қарорларининг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг амал қилишини ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонида зид бўлган тақдирда, фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш муддатида тўхтатиб туришга ҳақли».

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирад.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 2 март
№ ЎРҚ–756

Анжуман

ЎЗБЕКИСТОН БМТНИНГ
ФАОЛ АЪЗОЛАРИДАН
БИРИГА АЙЛАНГАН

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганлигининг 30 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигининг устувор йўналишлари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон ва БМТ ўртасида 1992 йил 2 мартда асос солинган ҳамкорликнинг асосий босқичлари ва истиқболли йўналишлари кенг муҳокамала қилинди. Иштирокчилар БМТ доирасида эълон қилинаётган Ўзбекистон ташаббуслари ва уларнинг амалга оширилиши, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида Ўзбекистон Республикаси аъзоллигининг асосий вазифалари, мамлакатимизнинг БМТ ва унинг иختисослаштирилган муассасалари билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳақида муҳокамала қилинди.

Давра суҳбатидида, шунингдек, Ўзбекистон ва БМТ ўртасида самарали ҳамкорликнинг турли жиҳатлари, айниқса, глобал жараёнлар доимо ўзарига бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, ташкилотнинг халқаро майдондаги ролини ошириш ва мустақамлаш, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

фи ҳам ҳаётга тўлиқ татбиқ этилди. Сўнгги уч йил ичида маъzur солинган ҳамкорликнинг асосий босқичлари ва истиқболли йўналишлари кенг муҳокамала қилинди. Иштирокчилар БМТ доирасида эълон қилинаётган Ўзбекистон ташаббуслари ва уларнинг амалга оширилиши, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида Ўзбекистон Республикаси аъзоллигининг асосий вазифалари, мамлакатимизнинг БМТ ва унинг иختисослаштирилган муассасалари билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳақида муҳокамала қилинди.

Қайд этилганидек, БМТ томонидан 2015—2030 йилларда Барқарор ривожланиш мақсадлари эълон қилинган бўлиб, у инсоният ҳимоясига ва унинг фаровонлигини оширишга қаратилган. Ушбу мақсадларни мамлакатимиз ҳақидаги татбиқ этишнинг аниқ тактика ва стратегияси белгиланган. Чунки, 2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида Ўзбекистоннинг БМТ органлари ва институтлари, глобал ҳамда минтақавий иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолиятини кучайтириш вазифаси қўйилган. Ва айни чоғда унда Ўзбекистонни БМТ тузилмалари орқали дунё ҳамжамиятига кенг таништириш билан боғлиқ ибратли амалиётини изчил давом эттириш кўзда тутилган.

Иштирокчилар Ўзбекистон ўтган ўттиз йил мобайнида БМТнинг фаол аъзоларидан бирига айланганлиги, ташкилот минбари мамлакатимизнинг глобал ва минтақавий аҳамиятга эга ташаббусларини илгари суришда мўҳим платформа вазифасини бажараётганлигини алоҳида эътироф этди.

Энг муҳими, Ўзбекистоннинг БМТ минбаридан илгари сураётган прогрессив ташаббуслари ҳаётда ўз амалий ифодасини топмакдда. Масалан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиёни барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудуди асосида қўйган ҳақиқатга юриси асосида 2018 йилнинг 20 июнида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ҳамкорлик ва ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилади.

Мамлакатимиз раҳбарининг Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ фожевий оқибатларни бартараф этиш бўйича халқаро миқёсдаги савий-ҳаракатларни бирлаштириш юзасидан билдирган таклифи асосида эса 2018 йил 27 ноябрда Нью-Йоркда БМТ томонидан Оролбўғи минтақаси учун инсон ҳаётига хавфли бўлишига қўйиб қўйилган шартнома шартномалари, чунки, Халқаро меҳнат ташкилотининг муҳим конвенциялари ратификация қилинди.

Бундан ташқари, бошқа меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, гендер тенгликни таъминлаш, фуқароларга йўқ шахсларга фуқаролик бериш, диний экстремизм билан боғлиқ жиноятларни содир этишда айбланган шахсларни озодликка чиқариш, кам таъминланган аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, АҚШ билан ҳамкорликни қўсиқариш каби йўналишларда қатор ижобий қилишлар амалга оширилди. Шубҳасиз, бу ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилади.

Давра суҳбатидида муҳокамала қилинган мақсадлар, билдирилган фикрлар асосида Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигининг истиқболли йўналишларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ХОРИЖЛИКЛАР ЮРТИМИЗ
ТАШҚИ СИЁСАТИНИ
ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидида "Ўзбекистон ва БМТ: ўзаро манфаатли ҳамкорлик йиллари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбати

Тадбир Олий Мажлис Сена-ти, Ташқи ишлар вазирлиги, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия универси-тети томонидан ташкил этилди. Унда сенаторлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, БМТнинг мамлакатимиздаги тузилмалари ҳамда Ўзбекистоннинг БМТ ҳузуридаги миссиялари раҳбарлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар экспертлари, маҳаллий ва хориж олий ўқув юртлиари, илмий-тадқиқот институтлари олимлари ва мутахассислари қатнашди.

Давра суҳбатидида Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасидаги фаол ва самарали ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Олий Мажлис Сена-ти Раисининг биринчи ўринбосари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Соҳиб Сафоев тадбирни очар экан, 30 йиллик ҳамкорлик давомида тараққиётнинг барча босқичида

Ўзбекистоннинг БМТ билан юксак даражадаги муносабатларига алоҳида урғу берди.

Ўзбекистон Республикасининг сайёраимизда тинчлик, барқарорлик ва доимий тараққиётни таъминлашда асосий халқаро ташкилот сифатида БМТ билан муносабатларини мустақамлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори эканлиги қайд этилди.

Ўз навбатида, мамлакатимизнинг минтақавий ва глобал хусусиятга эга долзарб муаммоларни ҳал қилиш борасидаги савий-ҳаракатлари БМТ томонидан қўллаб-қувватланаётганига эътибор қаратилди. Бу юртимизнинг конструктив мувозанатли ва изчил позицияси, шунингдек, Ўзбекистон Президенти томонидан халқаро кун тартибининг долзарб масалалари бўйича илгари сурилган ташаббуслар БМТнинг тинчлик ва барқарорликни, фаровонлик ҳамда доимий тараққиётни мустақамлашга қаратилган глобал мақсадларига тўла мос

келиши билан изоҳланади.

Хорижлик иштирокчилар ўз чиқишларида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнларига, давлат раҳбарининг мамлакатнинг халқаро нуфузини кўтаришга қаратилган оқибатли ва изчил ташқи сиёсатини юқори баҳолади.

Тадбирда хавфсизликка оид замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, жумладан, пандемиядан кейинги даврда инқирозли ҳодаларни бартараф этиш, оммавий қиргин қуролларини тарқатмаслик, экологик муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий-иқтисодий раванқнинг устувор йўналишлари трансформацияси, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва рағбатлантириш, туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида мазмурузлар тингланди.

Давра суҳбатидида, шунингдек, Ўзбекистон ва БМТ ўртасида самарали ҳамкорликнинг турли жиҳатлари, айниқса, глобал жараёнлар доимо ўзарига бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, ташкилотнинг халқаро майдондаги ролини ошириш ва мустақамлаш, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ОИД МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакат тараққиётига оид бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Хусусан, кейинги йилларда Ўзбекистон жаҳоннинг кўллаб мамлакатлари ва йирик халқаро ташкилотлари билан турли соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани қайд этилди.

1992 йил 2 март Ўзбекистон жаҳондаги энг нуфузли ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосига айлангани, сўнгги йилларда БМТ билан турли соҳаларда алоқалар янада мустақамлаш, кундан-кунга фаоллашиб бораётгани таъкидланди.

Шунингдек, Президентимиз раислигида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамиятдаги маънавий мустақамлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги ишлар натижадорлигини ошириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

Қашқадарё вилояти таркибда Кўкдала тумани ташкил этилади

Президентимизнинг 2021 йилда Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашуви чоғида Чироқчи тумани ҳудудининг катталиги, аҳолининг кўпчилиги, шунингдек, туман маркази аҳоли истиқомат қилиш жойларини ҳал қилиш, давлат идораларига бориш учун соатлаб вақт сарфлайди.

Бугунги кунда туманда 2 минг 137 та корхона, шундан 324 та санаот корхонаси мавжуд. Шунингдек, 230 та мактабга таълим ташкилоти, 234 та умумтаълим мактаби ҳамда 8 та оилавий поликлиника фаолият юритиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб, Чироқчи туманидан 171 минг гектар ер майдони ва аҳоли-

56 та депутатлик сўрови юборилди.

2021 йилда биринчи марта Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳафталиги ўтказилди. Унинг доирасида Ўзбекистон бошқа мамлакатлар орасида биринчи бўлиб парламент аъзоларининг барқарор ривожланиш соҳасидаги савий-ҳаракатларини бирлаштириш ташаббуси билан чиқди.

Учрашув давомида БРМнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлашда миллий парламентлар ва ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг роли юзасидан тажриба ва фикр алмашилди.

Тадбирда Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раисининг ўринбосари, ЕХХТ ПА Раиси ўринбосари А. Шакиров сўзга чиқди.

Иштирокчилар томонидан ЕХХТ минтақасида парламент аъзолари ролини ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, парламент аъзолари сиёсий манфаатларни жонлантириш, хавфсиз ва барқарор келажак қаратилган ишларни тартиб қилишга қўмақлашиши мумкин.

Тадбир якунлари бўйича тегшли тавсиялар ишлаб чиқилди.

нинг 176,3 минг нафари Кўкдала тумани таркибига ўтказилмоқда. Узаргишларга қўра, Кўкдала тумани таркибига 162 та санаот корхонаси, 1 та кичик санаот зонаси ўтказилиб, 10 минг гектар лалми ва адир ерларда томчилатиб сугориш технологияси асосида боғ-тоқзорлар ташкил этилади.

Давлат фуқаролик хизматиға кириш тартиби ва шартлари белгиланмоқда

Мажлисида «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат Қонунчилик палатасининг 2021 йил 28 декабрда бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган эди. Утган вақт мобайнида қонун лойиҳасидаги нормалар олимлар, мутахассислар, соҳа экспертлари ҳамда фуқаролар томонидан билдирилган таклифлар асосида такомиллаштирилиб, маромига етказилди.

Лойиҳада давлат фуқаролик хизматиға кириш тартиби ва шартлари, давлат фуқаролик хизматини ўтатиш тартиби, давлат фуқаролик хизматини тугатиш асослари назарда тутилмоқда.

Шунингдек, давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг гуруҳлари, туркумлари, тоифалари ва малака даражалари, давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси белгиланяпти.

Қолаверса, давлат фуқаролик хизматчиларининг даромади ва мол-мулкни декларациялаш тизимини жорий қилиш, коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахслар давлат фуқаролик хизматиға қабул қилинмаслиги ҳам ўз аксини топган.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

Ёдгорликлар таҳқирлаш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар қандай бартараф қилинади?

Президентимизнинг тегшли Фармони билан муқаддас қадамлар, миллий қаҳрамонларимизнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўрнатилган ёдгорликларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш каби хатти-ҳаракатларга нисбатан жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган эди. Шундан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди.

Маъzur ҳужжат лойиҳаси қабул қилиниши билан жамиятда халқимизга хос бўлган миллий ва умуминсоний қадрларни, муқаддас қадамларимизнинг муносиб сақланишига эришилади. Юртимиз ҳаётига оид муҳим тарихий воқеаларга бағишланган, атоқли давлат ва жамоат арбоблари, миллий қаҳрамонларимизнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўрнатилган ёдгорликларга ҳурматсизлик ёки уларни таҳқирлаш билан муносабатда бўлиш ҳолатларининг олди олинади.

Бундан ташқари, ўрнатилган ёдгорликларга ҳурматсизлик ёки таҳқирлаш билан муносабатда бўлиш каби содир қилинган ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича ҳуқуқбузарга нисбатан чора кўрилишида мавжуд муаммолар бартараф этилади.

Қизгин муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Ҳужжат лойиҳасига муҳим қўшимчалар киритилди
«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳўжалик жамиятлари ижро этувчи органларининг жавобгарлигини оширишга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ҳужжат лойиҳаси билан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг амалдаги тахририга мувофиқ, жамиятнинг банкрот бўлишига айбдор шахслар жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарликка тортилиши белгиланмоқда.

Ўзбекистон — Покистон:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧИ

Жанубий Осиё минтақасининг ушбу муҳим мамлақати билан Ўзбекистоннинг сиёсий мулоқоти турли даражаларда мунтазамлик моҳиятига эга бўлгани баробарлик вақт ўтган сайин янада ўсувчанлик мазмунини касб этиб бормоқда.

2017-2018 йиллар давомида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро тадбирлар доирасида (ШХТ ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти) Покистон раҳбарлари билан учрашувлари, 2019 йил апрель ойида Пекинда ўтказилган "Бир макон, бир йул" халқаро форумида ва июнь ойида Бишкекда бўлиб ўтган ШХТ давлат раҳбарлари йиғилиши доирасида Покистон Бош вазири Имрон Хон билан учрашгани юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Шу ўринда 2021 йил 14 апрель кунини Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири Имрон Хон ўртасида бўлиб ўтган виртуал саммитта алоҳида тўхталиш жоиз. Ушбу саммит кун тартибидан кўп қиррали Ўзбекистон — Покистон шериклигининг долзарб масалалари, шу жумладан, конструктив сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, инвестициялар, транспорт ва транзит соҳаларидаги амалий ҳамкорлик, ҳудудлар ўртасидаги алмашинувларни кенгайтириш, маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурларини илгари суриш масалалари ўрин олди. Ҳар доимгидек очик, амалий ва дўстона руҳда ўтган мазкур саммит якунида Қўшма баёнот қабул қилинган ҳамда стандартлаштириш ва метрология, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларда қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, кейинги йилларда рўй бераётган олий ва юқори даражадаги мунтазам мулоқотлар икки томонлама муносабатларнинг жадал равишига, уларни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда.

Ўтган йил июль ойида мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган юқори даражадаги "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдид ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро анжуманда Покистон Бош вазири Имрон Хон ҳам иштирок этди. Имрон Хон ўз нутқида "Президент Шавкат Мирзиёевнинг анжуманни ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси ўз вақтида илгари сурилган ўта муҳим ташаббус бўлди. Мазкур анжуман барча ўзаро алоқаларни, Марказий Осиё ва унинг ташқарисида қанчаларди нафақат товар айирбошлаш, балки фикр-мулоқазлар, билимлар билан ўртоқлашишга ёрдам берган ўша қадимий Ипак йўлини тиклаш учун янги имкониятлар эшигини очади", дея таъкидлаган эди.

2021 йил 15-16 июль кунлари Имрон Хоннинг Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи доирасида "Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида Стратегик шериклик ўрнатиш

тўғрисидаги Қўшма декларация" имзолангани икки томонлама муносабатлардаги ўта муҳим воқеалардан бири ҳисобланади.

2021 йил 16-17 сентябрь кунлари Душанбеда бўлиб ўтган ШХТ давлат раҳбарлари саммити доирасида Ўзбекистон Президенти Покистон Бош вазири билан учрашди. Мамлакатларимиз раҳбарларининг телефон орқали мулоқотлари ҳам мунтазамлик касб этган.

2021 йил 28 ноябрь кунини Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган ИХТ саммити тадбирлари доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Президенти Ориф Алви учрашди.

2022 йил 5 февраль кунини Пекин шаҳрида Қишқи олимпия уйинлари очилиш маросими доирасида ҳам Ўзбекистон Президентининг Покистон Бош вазири билан навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Шунингдек, икки давлат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида ташқи ишлар вазирлари ва уларнинг ўринбосарлари даражадаги сиёсий масалаларни муносабатларимизнинг долзарб масалалари, шу жумладан, конструктив сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, инвестициялар, транспорт ва транзит соҳаларидаги амалий ҳамкорлик, ҳудудлар ўртасидаги алмашинувларни кенгайтириш, маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурларини илгари суриш масалалари ўрин олди. Ҳар доимгидек очик, амалий ва дўстона руҳда ўтган мазкур саммит якунида Қўшма баёнот қабул қилинган ҳамда стандартлаштириш ва метрология, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларда қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, кейинги йилларда рўй бераётган олий ва юқори даражадаги мунтазам мулоқотлар икки томонлама муносабатларнинг жадал равишига, уларни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда.

Ўтган йил июль ойида мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган юқори даражадаги "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдид ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро анжуманда Покистон Бош вазири Имрон Хон ҳам иштирок этди. Имрон Хон ўз нутқида "Президент Шавкат Мирзиёевнинг анжуманни ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси ўз вақтида илгари сурилган ўта муҳим ташаббус бўлди. Мазкур анжуман барча ўзаро алоқаларни, Марказий Осиё ва унинг ташқарисида қанчаларди нафақат товар айирбошлаш, балки фикр-мулоқазлар, билимлар билан ўртоқлашишга ёрдам берган ўша қадимий Ипак йўлини тиклаш учун янги имкониятлар эшигини очади", дея таъкидлаган эди.

2021 йил 15-16 июль кунлари Имрон Хоннинг Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи доирасида "Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида Стратегик шериклик ўрнатиш

деб аташаётгани ҳам бежиз эмас. Оқорида қайд этилганидек, ўтган йил февраль ойида Тошкентда Ўзбекистон, Покистон ва Афғонистон делегациялари, шунингдек, халқаро молия институтлари вакиллари иштирокатида бўлиб ўтган учрашувда мазкур лойиҳа атрофида муҳокама этилди. Унинг якуни буйича бу йўналишдаги қўшма Ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

Ўз-ўзидан аёнки, мамлакатларимиз ўртасида тўғридан-тўғри транспорт йўлакларининг қурилиши ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришга кўмаклашади. Шу ўринда қўйидаги рақамларни қайд этиш ўринлидир: 2021 йилда ўзаро савдо ҳажми 181,4 миллион долларни ташкил этди. Экспорт — 129,9 миллион доллар (3,1 марта ошган), импорт — 51,5 миллион доллар (3,6 марта ортган). Охириги беш йилда ушбу кўрсаткичлар 5 баробар кўпайгани дўгдатта сазовордир.

Ҳар бир муҳим жиҳат: ўзаро иқтисодий ҳамкорликда янги "ўсиш нуқта"лари юзга келмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Покистон сармояси иштирокатида тузилган 174 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Биргина 2021 йилнинг ўзида 43 та яна шундай корхона ташкил этилди. Бу асосан қишлоқ ва савдо билан ҳам урчашди. Ушбу ташриф доирасида Исломободда Покистоннинг етакчи компаниялари вакиллари билан давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

Ҳар бир муҳим жиҳат: 2021 йил мамлакатларимиз ўртасидаги темир йўл транспортида ташилган юклар 55 фоизга кўпайди, экспорт 3,7, импорт эса 2 марта ошди. Покистондан Ўзбекистон орқали транзитнинг ҳажми эса 34 фоизга ортди. Шунингдек, ўтган йил автоташувлар 1,8 марта, экспорт 14 фоиз, импорт 4,2 марта ошган.

Ҳудди шунингдек, ҳаво ташувлари ҳам ижобий тамойиллар кузатилмақда. 2021 йил 16 июндан Покистоннинг "PIA" авиакомпанияси чартер парвозлари амалга ошириш бошлади. 2 июндан "Uzbekistan Airways" АЖ томонидан Тошкент — Лаҳор — Тошкент йўналишида ҳафтада бир марта парвозлар қайта тикланди.

Юқорида баён этилгани сингари мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар йўналишдаги муносабатлар ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Покистон халқларининг тарихан қарор топган алоқалари ҳамда муштарак маънавий қадриятларимиз бунга мустақкам замин бўлмоқда.

Мамлакатимизда 1991 йилдан буюн "Ўзбекистон — Покистон" дўстлик жамияти муваффақиятли фаолият кўрсати келмоқда. Жамият мунтазам равишда маданий ва илмий тадбирлар, олимлар ва маданият арбоблари делегацияларининг алмашувларини амалга оширмоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик университети (ТДШУ) ўқитувчиси Раҳмонберди Муҳаммадҷонов

битимни имзолади. Шунингдек, биринчи "Наманган — Панжоб" минтақавий бизнес форуми, "B2G" ва "B2B" шаклларидаги музокаралар бўлиб ўтди.

Ўтган ойнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов Исломободда ташрифи чоғида Покистон Бош вазири Имрон Хон билан учрашди. Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлигининг сермазmun кун тартибидан муҳокама қилиб, инвестициявий, савдо-иқтисодий, транспорт ва логистика ҳамкорлигини янада кучайтириш чора-тадбирлари, шу жумладан, Термиз ва Пешовар шаҳарлари, шунингдек, Сурхондарё вилояти ва Хайбер-Пахтунхва провинцияси ўртасида икки томонлама алоқаларни ўрнатиш истиқболлари юзасидан фикр алмашди.

Шунингдек, мамлакатимиз ҳукумати делегацияси аъзолари Ўзбекистон ва Покистоннинг асосий вазирлик ва идоралари раҳбарларининг кенгайтирилган йиғилишида иштирок этиб, Покистон Бош вазирининг савдо ва инвестициялар бўйича масалаларини Абдул Раззоқ Довуд, Покистон Штаб бошлиқларининг бирлашган қўмитаси раиси генерал Надим Раза билан ҳам учрашди. Ушбу ташриф доирасида Исломободда Покистоннинг етакчи компаниялари вакиллари билан давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

Ҳар бир муҳим жиҳат: 2021 йил мамлакатларимиз ўртасидаги темир йўл транспортини ташилган юклар 55 фоизга кўпайди, экспорт 3,7, импорт эса 2 марта ошди. Покистондан Ўзбекистон орқали транзитнинг ҳажми эса 34 фоизга ортди. Шунингдек, ўтган йил автоташувлар 1,8 марта, экспорт 14 фоиз, импорт 4,2 марта ошган.

Ҳудди шунингдек, ҳаво ташувлари ҳам ижобий тамойиллар кузатилмақда. 2021 йил 16 июндан Покистоннинг "PIA" авиакомпанияси чартер парвозлари амалга ошириш бошлади. 2 июндан "Uzbekistan Airways" АЖ томонидан Тошкент — Лаҳор — Тошкент йўналишида ҳафтада бир марта парвозлар қайта тикланди.

Юқорида баён этилгани сингари мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар йўналишдаги муносабатлар ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Покистон халқларининг тарихан қарор топган алоқалари ҳамда муштарак маънавий қадриятларимиз бунга мустақкам замин бўлмоқда.

Мамлакатимизда 1991 йилдан буюн "Ўзбекистон — Покистон" дўстлик жамияти муваффақиятли фаолият кўрсати келмоқда. Жамият мунтазам равишда маданий ва илмий тадбирлар, олимлар ва маданият арбоблари делегацияларининг алмашувларини амалга оширмоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик университети (ТДШУ) ўқитувчиси Раҳмонберди Муҳаммадҷонов

Алишер Навоий газаларини урду тилига таржима қилиб, уларнинг Покистонда нашр этилишидаги хизматлари учун Покистон Президентининг "Хусне Кар Кардаги" ("Яхши натижалар") мукофоти билан тақдирланди. Покистонлик олим Билол Ўғуз Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асарини урду тилига ўғирди.

2003 йилда ТДШУ ўқитувчиси Тошмирза Холмирзаев томонидан тузилган биринчи "Урду — ўзбекча луғат" Покистонда чоп этилди. Урду тилини тарғиб қилишда эришган катта муваффақиятлари учун у Покистоннинг "Ситорайи импяз" ("Қамолот юлдузи") ордени билан мукофотланди. Ушбу университет ўқитувчиси Ансориддин Иброҳимов эса "Ўзбек — урду тилларидаги муштарак сўзлар луғати"ни таъйёрлаб нашр эттирди.

2009 йил март ойида Тошкент давлат шарқшунослик университетидеда Урду тили ва адабиёти хонаси ташкил этилди. 2021 йил февралда Панжоб университетида Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 538 йиллиги муносабати билан Бобур мероси маркази, Пешовар университетида Навоийнинг 580 йиллиги муносабати билан Алишер Навоий маркази очилди.

2021 йил декабрь ойида Бобур ҳаётига бағишланган бадиий фильмни суратга олиш бўйича икки томонлама ишчи гуруҳларининг онлайн-мулоқоти бўлиб ўтди. Кўп қисмли фильм бўйича Покистон томонидан тақдирлар куриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон тақдимидаги ўтказиш учун навбатдаги онлайн-тадбирни уюштириш юзасидан келишув маъмури.

Бу йўналишдаги эътиборга молик ҳамкорликка оид яна бошқа кўпball мисоллари келтириш мумкин. Ўзбекистоннинг Покистон билан сайёҳлик соҳасидаги алоқалари ҳам тобора раванж топаётди. 2021 йилда 10 минг 740 нафардан ортиқ покистонликлар Ўзбекистонга келди. 2019 йил март ойида Исломободда Ўзбекистон туризми ахборот маркази очилган эди. Покистонда 2020 йилнинг сентябридан буюн Нақшбандия тарикатининг намояндаси Ҳасиб ур-Раҳмон Ўзбекистон зиёрат туризмнинг Покистондаги элчиси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Яқинда таниқли тадбиркор Роҳайл Ислом Ўзбекистоннинг Покистондаги туризм элчиси этиб тайинланди.

Оқорида баён этилган далил ва рақамлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда қўйидаги муносабатларнинг мантиқий давоми бўлади. Бу ташриф икки томонлама алоқалар ривожига янги туртки бағишляб, ўзаро муносабатлар солномасига янги саҳифани очади.

Шухрат УМИРОВ, «Дунё» АА шарҳловчиси.

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ДАВЛАТ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАМОҚДА

Покистон оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президентининг 3-4 март кунлари Исломободда давлат ташрифи мавзусини кенг ёритмоқда.

Инглиз тилида чоп этиладиган нуфузли «National Herald Tribune» газетаси Президент Шавкат Мирзиёев Бош вазир Имрон Хоннинг тақлифига бйонан 3-4 март кунлари Покистонда давлат ташрифи билан бўлишини хабар қилди.

Нашр Ўзбекистон раҳбарига Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, ташқи ишлар вазири, ишбилармон доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан иборат юқори мартабали делегация ҳамроҳлик қилишини таъкидлади.

Бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилда Президентлик лавозимига сайлангандан бери Покистонга биринчи ташрифи бўлишига эътибор қаратилган.

Икки давлат раҳбарлари ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг тўлиқ кўламини, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, таълим, маданият, шунингдек, хавфсизлик ва мудофаа соҳаларидаги ҳамкорликни кўриб чиқадилар. Йирик минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан кенг фикр алмашадилар, дейилади мақолада.

Қатор икки томонлама келишув ва англашув меморандумлари имзоланиши кутилмоқда.



«Diplomatic News Agency» ва «Islamabad Post» нашрлари хабарларида олий даражадаги Покистон — Ўзбекистон музокараларида асосий эътибор сиёсий, стратегик, транзит, савдо-иқтисодий алоқаларни мустақкамлаш, ўзаро боғлиқлик имкониятларини кенгайтириш, таълим ва маданият соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилишини қайд этган. Покистон, Ўзбекистон ва Афғонистонни боғлайдиган трансферон темир йўли лойиҳаси муҳокаманинг асосий йўналишларидан бири бўлади. Икки давлатнинг етакчи ишбилармонлари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Давлатлар минтақавий ва халқаро майдонларда, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида яқиндан мулоқот ўрнатган.

Покистон Марказий Осиё давлатлари билан «Марказий Осиёга ниҳог» сиёсати доирасида бешта асосий йўналиш — сиёсат ва дипломатия, савдо ва сармоя, энергетика ва алоқа, хавфсизлик ва мудофаа, шунингдек, оидий одамлар ўртасидаги муносабатлар бўйича ҳамкорликни кенгайтираётгани қайд этилган.

Покистоннинг «GNN HD» телеканали сайтида 2 март кунини эълон қилган хабарда сўнги бир неча йил ичида Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ривожлангани таъкидланган.

Покистон Бош вазири Имрон Хон 2021 йил июль ойида Ўзбекистонга ташриф бурди. Икки давлат раҳбарлари 2022 йил 5 февраль кунини Пекинда қишқи Олимпиядан оқилиш маросими доирасида ҳам учрашди.

«Daily Spokesman» газетаси муҳбири, ўз навбатида, ташриф арафасида Ўзбекистоннинг Покистондаги элчихонаси Федерал ахборот ва телерадиоэшиттириш вазирлиги ҳамда Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликда Исломободда «Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси» номли китобнинг тақдимидаги ўтказганини хабар қилган.

«Daily Spokesman» газетаси муҳбири, ўз навбатида, ташриф арафасида Ўзбекистоннинг Покистондаги элчихонаси Федерал ахборот ва телерадиоэшиттириш вазирлиги ҳамда Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликда Исломободда «Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси» номли китобнинг тақдимидаги ўтказганини хабар қилган.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Фурқат Сидикив маросим иштирокчиларига мурожаат қилиб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга ташрифи арафасида ушбу китоб тақдими ўз вақтида ўтказилаётгани ва бунда раъий мазо борлигини таъкидлади, деб ёзилди газетда.

Ўзбекистон илгари сурган турли ташаббуслар батафсил ёритилгани, мамлакат очик ва дўстона ташқи сиёсат юритаётгани, Марказий Осиёдаги барча муаммоларга еchal топаётгани, чегараларни оцаётгани, туризм соҳасини жадал ривожлантираётгани, кенг кўламли ислотларнинг навбатдаги босқичи ҳақида сўз юритилгани қайд этилган.

Китобнинг иккинчи қисми минтақавий алоқаларга бағишланганига эътибор қаратилган. Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, тарих фанлари доктори, профессор Баҳром Абдуҳалимов китоб боблари мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб берди. Олим Ўзбекистон илгор инновация ва технология ечимлардан самарали фойдаланган ҳолда иқтисодийни изчил ривожлантиришни режалаштираётганига эътибор қаратди. Китобда алоҳида ўрин Марказий Осиё учун жуда муҳим бўлган иқлим мавзусига ажратилган, чунки минтақда иқлим тез ўзгариб бормоқда ва Ўзбекистон бу масалага, жумладан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга устувор аҳамият бермоқда, деб ёзди муаллиф.

Китобда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги фаол иштироки муҳимлиги ҳам таъкидланган. Ўзбекистон очик давлат бўлиб, Марказий Осиёда муҳим роль ўйнамоқда. Панжоб университети проректори, профессор Салим Мажаҳ тўпلامга Ўзбекистон раҳбарининг турли форумлардаги нутқлари киритилганини маълум қилган.

Ахборот ва телерадиоэшиттириш вазирлиги вакили Сайид Мубашар Покистон ва Ўзбекистон ўртасида умумий мерос ва диний-маърифий қадриятларга асосланган илқ муносабатлар мавжудлигини таъкидлаган. «Биз турли соҳаларда, жумладан, санъат, кино ва ҳужжатли фильмлар ишлаб чиқаришда кўшма ҳамкорлик орқали муносабатларимизни янада мустақкамлашнинг интиқли билан кутамиз», дея қўшимча қилган у.

Покистонлик эксперт Махмуд ул-Ҳасан Хон «Pakistan Observer» газетасида чоп этилган мақолада Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик ҳақиқий иқтисодий дипломатиянинг шаклланишига сабаб бўлганини таъкидлаган.

«Pakistan Observer» газетасида чоп этилган мақолада Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик ҳақиқий иқтисодий дипломатиянинг шаклланишига сабаб бўлганини таъкидлаган.

«Pakistan Observer» газетасида чоп этилган мақолада Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик ҳақиқий иқтисодий дипломатиянинг шаклланишига сабаб бўлганини таъкидлаган.

Икки давлат ҳукуматларининг юқори мартабали вакиллари, ҳудудлар ўртасидаги учрашувлар ўзаро иқтисодий алоқаларни мустақкамлаб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими-ни кучайтирмоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўсиб бормоқда, унинг кўрсаткичи 2017 йилдаги 36,5 миллион доллардан 2021 йилда 142,9 миллион долларга өтди. Покистон 2019 йилда Ўзбекистонга келган сайёҳлар сони бўйича муслмон давлатлари орасида иккинчи ўринни эгаллади. Бу эса туризм ва маданият соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиради, деб ёзди эксперт.

Покистонлик олимпинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг Покистонга давлат ташрифи ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада рағбатлантиради. Бундан ташқари, Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон ўртасида илгари сурилаётган транзит муносабатларини таъкидлади. Аслида ҳам шундай. Ўзбекистон раҳбарининг Покистонга ташрифи дўстона муносабатлар солномасига янги зарварақ бўлиб қўшилиди, деб ишонаман.

Собир АЛИЕВ («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

«Дунё» АА.

«The Daily Ittehad» журналисти:

ПОКИСТОН ПОРТЛАРИДА ЎЗБЕК КЕМАЛАРИ...

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга ташрифи арафасида муҳбиримиз «The Daily Ittehad» газетаси журналисти Муҳаммад Аббос Хон билан икки мамлакатнинг муштарак жихатлари, ўзаро алоқаларнинг устувор йўналишлари ва ҳамкорлик истиқболлари хусусида суҳбатлашди.

«Халқ сўзи» учун махсус

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга ташрифидан ўзгача умидларим бор. Бойси Ўзбекистонни ўз уйлмайди қўйсайламан, — дейди Муҳаммад Аббос Хон. — Бундан 40 йил аввал, яъни 1981 йилда Ўзбекистонга илк бор қадам қўйганимдан буюн ҳаётим ушбу гўзал диёр билан боғлиқ. Бир вақтлар Покистоннинг йирик компаниясида ишлаган эдим, кейинчалик бизнес соҳасида фаолиятимни давом эттирдим. Ҳозир эса «The Daily Ittehad» газетаси вакилиман. Иш юзасидан хориж мамлакатлари, Марказий Осиё давлатларида кўп бор бўлган бўлсам-да, ҳар сафар Тошкентга, оилам бағрига ошар эканман. Айнан мамлакатини поштахотида қизим дунёга келди, шу ерда мактабни, сўнгра институтни тамомлади. Рафиқам бир муддат урду тилидан сабаб берган. Ҳиммат ҳам радиода урду тилида эшиттирилган олиб борганман.

Ўзоқ йиллар давомида яшаб, гувоҳи бўлганим Ўзбекистон собик иттифок таркибидеги республикадан жадал ривожланаётган мустақил давлат даражасига чa бўлган тараққиёт йўлини босиб ўтди. Унинг иқтисодий-иқтисодий соҳаларида қўлга киритаётган улкан ютуқларидан ҳувондим. Кези келганда дипломатини айтмоқчиманки, мен ҳаммаша Ўзбекистон ва Покистон ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишини, икки халқ эса биродарлик ришталарини мустақкамлашини истайман.

Муносабатлар турли даврларда турлича кечган. Ривожланиш йилларида мамлакатингизда покистонлик кўпball бизнес вакиллари муваффақият билан фаолият олиб борган. Ҳаво лайнерлари мунтазам парвоз қилиб, йўловчи ва юк элтиш ҳажми ортган. Кейинчалик турли сабабларга қўра муносабатларда пасайиш кузатилди.

Бунинг оқибатлари хусусида давлатингиз раҳбари ўтган йилни бўлиб ўтган «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусидаги халқаро конференциясида айтиб ўтди. Жумладан, самарали трансчегаравий йўналишларининг мавжуд эмаслиги, савдо-иқтисодий алоқаларнинг сустлиги, маданий-гуманитар имкониятларимизни етарли даражада рўёбга чиқарганимиз каби масалалар сабаб сифатида тилга олинди.

Ўтган йилнинг ёзида Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган музокаралар натижасида

ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳақида муҳим келишувларга эришилди. Муҳими давлатлараро муносабатларни юқори даражага олиб чиқилганини англатувчи Стратегик шериклик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди.

Бу — Ўзбекистоннинг Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва Марказий ҳамда Жанубий Осиё минтақасининг тарихий ақиллигини тиклашга қаратилган янги ташқи сиёсатининг натижасидир. Бунинг хосиласи улароқ Покистон билан алоқалар фаоллашди.

Яқин

ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ҲАМ, ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗ ҲАМ АЁЛЛАРГА БОҒЛИҚ

Кейинги йилларда юртимизда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва самарали меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада салмоқли натижалар қўлга киритилди. Аммо ҳали бажарилиши зарур бўлган вазифаларимиз ҳам етарли.

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши ана шу эзгу мақсадга йўналтирилган билан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Зеро, унда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустақамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бермоқда. Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида фаоллик кўрсатётган хотин-қизлар сафи тобора кенгайиб бораётди. Президентимиз таъбири билан айтганда, "Ҳеч шубҳасиз, бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажагимиз ҳам албатта, оила ва жамиятнинг устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган аёлларга боғлиқдир".

Шундай экан, биздан бу йўналишдаги ишларимизни янада кучайтириш талаб этилади. Шу мақсадда видеоселекторда давлатимиз раҳбари томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлашни мутлақо янги босқичга кўтариш тизими белгилаб берилди.

Бунда, аввало, қўйилган вазифалар ижросини тизимли тарзда ҳар бир маҳалла кесимида амалга оширишни таъминлаш мақсадида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилганлигини айтиш зарур. Эндиликда ушбу тузилма хотин-қизлар масаласи билан шуғулланадиган ҳамда бу борада давлат сиёсатини юратади.

Бу янгилик қандай самара беришини ҳозирдан тасаввур қилиш қийин эмас. Мамлакатимиздаги 9 мингдан зиёд маҳаллаларда хотин-қизлар фаоли лавозимлари жорий этилиб, уларга бошқаларга ҳар томонлама намуна бўлиб келётган, тажрибали, обрў-эътиборли, тадбиркор опа-сингилларимиз талнаб олинадилар. Бу эса ҳар бир маҳаллада хотин-қизларнинг фаоллигини сезиларли даражада оширади. Яъни улар кўмағида маҳаллаларда фаол хотин-қизлар захираси шакллантирилади.

Йиғилишда Президентимиз аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишни тубдан кучайтириш ва бу борадаги ёндашувларни қайта қўриб чиқиш, хотин-қизлар саломатлигини тиклаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, опа-сингилларимиз ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, таълим тизимининг барча поғонасида ўқишга интилган хотин-қизларни янада қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам аниқ вазифаларни илгари сурди.

Унга қўра, хусусий секторда расмий ишлаб-аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан қафолатли тўлаб бериш тизими яратилади, эҳтиёжманд ёлғиз аёллар фарзанди учун давлат бочғаси тўлови бюджетдан қопланади, 2022 йилда ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг камида 40 фоизи хотин-қизларга йўналтирилади, қўшимча 6 минг нафар аёлга юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилади, 3 миллион нафар хотин-қиз онкологик скринингдан ўтказилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Мос равишда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек, аёлларимиз улуши паст бўлган аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишларидаги олий таълим муассасаларида талаба хотин-қизлар улушини ҳозирги 24 фоиздан 40 фоизгача етказиш, ёш фарзанди бор аёлларга масофавий ўқишга шароит яратиш, янги ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқётган қизларнинг контракт пулларини бюджетдан тўлиқ қоплаб бериш, докторантура йўналишида хотин-қизларга ҳар йили камида уч юзтадан квота ажратиш мақсад қилинмоқда.

Шу ва йиғилишда белгиланган бошқа вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини опа-сингилларимиз учун янгидан-янги имконият эшикларини очади. Бу эса уларнинг янги Ўзбекистонимиз тараққиёти йўлида янада фаоллик кўрсатишига, пировардига ҳаётимиз янада фаровон бўлишига хизмат қилади.

Олия ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.

ОИЛА ШАЪНИ, МАҲАЛЛА ВИЖДОНИ, БАТАН ТИМСОЛИ

Юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила институтини ҳар томонлама мустақамлаш бўйича изчил ислохотлар олиб борилаяпти. Аёлларнинг мамлакат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида тугган ўрни янада ошаётди.

Муносабат

Таҳсилларга кўра, айна вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизи, Сенат аъзоларининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг қарийб 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Бу билан Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламентлар ўртасида 37-ўринга кўтарилди.

Албатта, ушбу рақамлар ортда катта меҳнат, ўз ишига масъулият, ўз устид тинмай илзаниш, узлуксиз малака ва маҳоратини ошириб бориш жараёни ётибди. Мукамалликнинг чегараси бўлмаганидек, хотин-қизлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, янги босқичга олиб чиқиш бугунги Тараққиёт стратегиясининг устувор вазифалари қаторидан ўрин олинмоқда. Президентимиз раислигида 1 март куни

хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда Қонунчилик палатаси депутатларининг янада мустақамлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Айтиш жоизки, хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик қўмак кўрсатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларимизга мақсадли ва тизимли ёрдам бериш йўлида жорий этилган "аёллар дафтари"га 2020 йилда киритилган 900 мингга яқин хотин-қизлар амалий ёрдамдан баҳраманд бўлди.

Нозик ҳилқат вакилларини ҳар томонлама руҳлантириш мақсадида Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси қайта ташкил этилди. Эзгу тадбирларни амалга ошириш учун жамғармага ҳар йили бюджетдан 300 миллиардгача пул ва турли имтиёзларнинг берилиши ҳам Ўзбекистонда хотин-қизларни эъзозлаш, жамиятдаги ролини кенгайтириш давлат

сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланганига яққол мисолдир.

Йиғилишда ҳозирги кунда "аёллар дафтари"да 630 мингдан зиёд хотин-қизлар рўйхатда тургани, улардан 200 минг нафари ишсиз эканлиги айтилиб, бу муаммоларни ҳал қилишда маҳалла фаоллари, жамоатчилик ҳамда нурунийларнинг ўрни ва таъсири сезилмаётгани қайд этилди.

Бу борадаги ишларни жой-жойига қўйиш ҳамда ҳар бир маҳалла кесимида амалга ошириш учун Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди. Эндиликда Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳамда "Аёллар дафтари" жамғармаси мазкур қўмита томонидан бошқарилади. Юртимиздаги 9 минг 309 та маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосари лавозимлари ҳам қўмита тизимига ўтказилди. Мўҳими, ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинади.

Умуман, аёл бор жамиятда, оилада, ижтимоий муҳитда тинчлик-тотувлик, оқилоллик, эзгулик, саранжом-сарихалик, сабр-қаноат, меҳр-оқибат бўлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, бугунги фаровон ҳаётимиз, ёруғ келажагимиз аёлларга боғлиқ.

Гулруҳ АГЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЯҚИН ДЎСТ, ИШОНЧЛИ ШЕРИК

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаевнинг Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Факултодада ва мухтор элчиси Олган Бекар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Суҳбат чоғида сўнги йилларда ҳар икки давлат ўртасидаги қардошлиқ ришталарни мустақамлаштириш бўйича амалга оширилган таъкидланди. Ўзбекистон ва Туркия ишончли стратегик ҳамкорлар ҳисобланади, парламентлараро алоқалар изчил ривожланмоқда.

Икки мамлакат парламент аъзолари ўртасида тўғридан-тўғри муносабатларни йўлга қўйиш мақсадида делегациялар алмашинуви тизимли асосда амалга оширилади. Парламент аъзолари қонун ижодкорлиги йўналишида ўзаро тажриба алмашмоқда.

Мулоқотда жорий йилда Ўзбекистон ва Туркия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонлангани ало-

ҳида қайд этилди. Маданият, илм-фан, спорт соҳаларидаги, шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги икки томонлама ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, таълим, санъат, адабиёт соҳаларини ривожлантириш, икки мамлакат парламентлари қўмиталари ва ёш депутатлар ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш, ёшларга оид лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фикр алмашилди.

Учрашувда шунингдек, жорий йил февраль ойида Туркияда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгашининг яқунлари кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ТЕРРОРИЗМГА ҚАТТИҚ ЗАРБА

халқаро иллатга қарши муросасиз кураш

Терроризм тинчлик ва халқаро хавфсизликка асосий таҳдидлардан бирдир. Мамлакатимиз терроризмнинг турли кўринишларини доим ва ҳеч истисноқи қоралайди. Ўзбекистонда ушбу иллатга қарши кураш кенг қамровли характерга эга бўлиб, унинг тарқалишига олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф олиш ҳамда бу курашни халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда, мувофиқлаштириш ҳолда олиб бориш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Замонавий дунёда террористик фаолият мураккаб, кўп қиррали ва миллий чегаралар билан чекланмаган. У бевосита инсон ҳуқуқлари бузилишида намоён бўлади, чунки кишиларни яшаш, эркинлик ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқларидан маҳрум қилади. Одамлар йўқотилишидан ташқари, терроризм ҳуқуқматлар фаолиятини ҳам издан чиқаради, фуқаролик жамияти ривожланишига тўсиқ бўлади, шунингдек, тинчлик, хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга хавф туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги халқаро қонунчилик сингари, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва давлат фаолиятининг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган. Ўзбекистонда қатор қонунлар қабул қилинганлиги, уларда экстремизм ва терроризмнинг тарқалишига қарши курашни таъминловчи меъёрлар мавжуд.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси, халқаро терроризмга қарши 14 та битим ҳамда унга қарши курашиш бўйича минтақавий келишувлар иштирокчисидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда БМТнинг терроризмга қарши кураш бўйича конвенцияларининг қондаларини миллий қонунчиликка имплементация қилган.

Мисол учун, "Хаво кемалари бортида содир этиладиган жиноятлар ва бошқа ҳаракатлар тўғрисида"ги (Токио, 1963 й.) ҳамда "Хаво кемаларини ноқонуний эгаллаб олиш тўғрисида"ги (Гаага, 1970 й.) конвенцияларнинг қондалари миллий қонун ҳужжатларида акс эттирилди.

Мамлакатимиз ўз тарихида бир неча марта экстремизм ва терроризм намоян бўлган ҳолатларга дуч келган. Мазкур ҳун-резилларнинг олдини олиш ва унга қарши кураш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, Марказий Осиёда экстремизм ва террористик фаолият, асосан, миллийчилик, диний ва бошқа радикал ғоялар ниқоби остида амалга оширилади. Терроризмга қарши кураш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги, "Экстремизмга қарши кураш тўғрисида"ги ҳамда "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмини молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида олиб борилади.

Миллий қонунчилигимизда "терроризм" тушунчасига аниқ ва халқаро стандартларга мос келувчи таъриф берилган бўлиб, бунинг учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Шунингдек, террорчилик йўналишидаги жиноятлар учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Улар жумласига "Таёбланиётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик", "Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш", "Терроризмини молия-

лаштириш", "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумига таъжовуз қилиш", "Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа таъқибланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш" ва бошқа ҳаракатлар киредади.

Айтиш жоизки, террорчилик ҳаракати ташкилотчиларига, уни тайёрлаш ва содир этишдаги бевосита қатнашчиларга нисбатан ҳам, шундай ҳаракатда билвосита ёки бевосита алоқадор, яъни келтириб чиқаришга уринувчи ёки ёрдам берувчи шахсларга нисбатан ҳам жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

"Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш" деб номланган модда алоҳида диққатга сазовор. У террорчилик фаолиятида иштирок этиш мақсадида чегарадан четга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланиш учун жавобгарлики белгиланади.

Ўзбекистонда 16 та диний конфессия вакиллари тинч-тотув яшайди. Уларнинг ҳуқуқлари чекланмиш, фуқаролар орасида адоват ва нафрат уйғотиш ёки одамларнинг диний туйғуларини таҳрирлаш, диний зийратгоҳларга шикаст етказиш каби ҳаракатларга йўл қўймаслик учун давлатимиз томонидан узил-кесил чора-тадбирлар амалга ошириб борилади.

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, давлатимиз фуқаролари учун ҳоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслиги бўйича конституциявий ҳуқуқ қафолатланган. Бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирор-бир устуниқлар ёки чекловлар белгиланган йўл қўйилмайд.

Республикада шакллантирилган мейёр-ий-ҳуқуқий база ҳар бир шахснинг виждон ва диний эътиқод эркинлигини, фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, тенглигини тўла таъминлайди. Дин туйғули тўқиб қилиш қонун билан қатъий таъқиқланган.

Шу билан бирга, радикал мафкурага қарши курашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида "Маърифат ва диний баркиренглик" резолюцияси қабул қилинди. Унинг асосий мақсади сифатида барчанинг таълим олиш имкониятини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатни тугатиш белгиланди.

Мазкур йўналишда ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар томонидан тегишли тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва диний муассасалар билан ҳамкорликда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Улар аҳоли, айниқса, ёшлар орасида диний баркиренгликни кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг террористик ва экстремистик гуруҳлар тасъирига тушиб қолмишига йўл қўймаслиқка қаратилган. Бу соҳадаги ишлар "Жаҳолатга қарши маърифат" таълимий остида олиб борилмақда.

Исломи динининг ҳақиқий инсонпарварлик ҳофиятини очиб бериш учун давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистондаги Исломи цивилизацияси маркази, Имом Бухорий номидagi халқаро имлий-тадиқот маркази ташкил этилиб, фаолият юритмоқда. Шунингдек, соҳада маҳалла кадрларни тайёрлаш мақсадида Тошкент ислом университети Ўзбекистон ислом академиясига айлантирилди.

Ўзбекистоннинг миллий қонунчилиги бир томондан, қонунни бузган, лекин ҳиссини англаб, ўз қилмишидан пушаймон бўлган шахсларга нисбатан давлат томонидан баркиренглик муносабатини

мустақамлайди, иккинчи томондан эса — террорчилик ҳаракатлари содир қилиниши ва террорчилик гуруҳларининг фаолиятини фож этиш ва тўқатиш учун самарали восита бўлиб хизмат қилади.

2017-2018 йилларнинг узида ўз қилмишидан пушаймон бўлган ҳамда оқуда турмуш тарзига қайтган 20 минг нафардан ортиқ шахслар террористик, экстремистик ва бошқа таъқибланган ташкилот ёки гуруҳлар фаолиятида иштирок этишга мойил бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилиди. Ун минг нафардан зиёдроги ишга жойлаштириш, ижтимоий қўллаб-қувватлов ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш бўйича амалий ёрдам олишди.

"Террористик, экстремистик ёки бошқа таъқибланган ташкилот ва гуруҳлар тарихига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Президент Фармонида мувофиқ, 2018 йил ноябрдан бошлаб, таъқибланган ташкилот ва гуруҳлар тарихига адашиб кириб қолган, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлган, ўз хатти-ҳаракатларининг ноқонунийлигини англаган ва тузалаш йўлига ўтган фуқароларга ўз Ватанига, оиласи барига ва тинч ҳаётга қайтиш учун имконият бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муносабатларини қўриб чиқиш бўйича Республика идораларо комиссияси тузилди.

Бош прокурор раҳбарлигидаги ва комиссия таъқибланган ташкилотлар тарихига адашиб кириб қолган фуқароларни жиноий жавобгарликдан озод этиш ҳақидаги муносабатларни қўриб чиқади.

Террористик ва экстремистик фаолият билан боғлиқ жиноятларни содир этганлиги учун жазони ижро қилиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган шахсларни афв этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Президентини фармонлари қабул қилиниши ҳам диний-экстремистик оқимларга алоқадор шахсларни реабилитация қилиш бўйича яна бир муҳим кадам бўлди. Жумладан, 2021 йилда Президент фармонлари билан 73 нафар ана шундай шахс афв этилди.

Уларнинг барчасига радикаллашувдан тезроқ халос бўлиши, ижтимоий мослашуви ҳамда жамиятга қайта ўрганиши учун керак бўлган давлат ёрдами ва кўмаги кўрсатилди. Хусусан, ижтимоий-ҳуқуқий, тиббий, психологик ҳамда моддий ёрдам берилди, кредитлар ажратилди, уй-жой ва иш билан таъминлашга, фарзандларини таълим муассасаларига жойлаштиришга кўмакланди, маиший техника буюмлари берилди.

Ушбу тўфодаги шахсларнинг жамиятга мослашини учун ҳар бир фуқарога маънавий ёндашуви қўлланилади, унинг оилавий аҳоли ва муаммолари, динга (айниқса, аънавий шайхликдаги) муносабати ўрганилади, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар, шу жумладан, дин соҳасидаги ислохотлар ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилади. Аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар қўрилиб, мазкур шахслар муайян касбларга ўқитилади ва ишга жойлаштирилади. Умуман олганда, жамиятга тезроқ қайта мослашуви қаратилган зарурий тадбирлар олиб борилади.

Утган йили воялалар бўйлаб илгари террористик ва экстремистик фаолиятга алоқадор бўлган 7 минг 101 нафар шахснинг ижтимоий аҳоли ўрганилиди. Натияжада 2 минг 865 та муаммо аниқланди ва улардан 2 минг 637 таси давлат ҳамда

жамоат ташкилотларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан ҳал этилди. Қолганлари ҳам белгиланган тартибда қўриб чиқилмоқда.

588 нафар шахсга 10,9 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, 40 нафарига кредит ажратилди, 93 нафарига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда амалий кўмак берилди, 36 нафарига ер участкалари ажратилди, 87 нафарининг коммунал хизматлари билан боғлиқ масалалари ҳал этилди, 187 нафарининг уйлари таъмирланди, 196 нафари ишга жойлаштирилди, 324 нафарига тиббий ва 680 нафарига бошқа керакли ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимизда террорчиликни молиялаштиришга қарши таъсирчан чоралар қўлланилади. Шунингдек, "Терроризмга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасида кўрсатилганидек, молиялаштириш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолият ҳам террорчилик ҳаракатининг бир турига тенглаштирилади.

Агар террорчилик фаолиятини амалга оширишда, шу жумладан, уни молиялаштиришда бирор ташкилот айбдор деб топилса, унга нисбатан "Терроризмга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг 29-моддасига асосан жавобгарлик белгиланади. Яъни, бу ташкилот суднинг қарори асосида террорчилик ташкилоти деб топилди ва тугатилади. Ташкилот тугатилганда унга тегишли мол-мулк мусодара этилиб, давлат тасаруфига ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси суди томонидан террорчилик ташкилоти деб топилган халқаро ташкилотлар ҳам, шунингдек, уларнинг бўлима, филиал ва ваколатхоналари ҳам худди шундай жавобгарликка тортилди.

2019 йилда "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмини молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Терроризмин молиялаштиришга қарши фаолият юритувчи миллий тизимни янада такомиллаштириш бўйича иш олиб борилмақда. Жумладан, пўл ювиш ва терроризмин молиялаштириш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базанинг халқаро стандартлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш, терроризмин молиялаштиришга қарши фаолият юритувчи миллий тизимнинг самарали ишлатилиши таъминловчи институционал базани шакллантириш чоралари қўрилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти терроризмин молиялаштиришга қарши курашуви орган сифатида белгиланди. Унга хорижий мамлакатларнинг тегишли ваколатли органлари билан тўғридан-тўғри ахборот алмашиш ҳуқуқи берилди. Департамент 167 та давлатнинг молиявий разведкаларини бирлаштирувчи "Эгмонт" гуруҳининг тўла ҳуқуқли аъзосидир.

Президентимизнинг тегишли қарори қўра, Бош прокурор ўринбосари раҳ-

барлигида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмин молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идораларо комиссия тузилган. Унинг фаолияти доирасида 3 та қонун, 24 та қонуноти ҳужжати, 25 та идораларо, 36 та идоравий ва 12 та халқаро ҳужжатлар қабул қилинди.

2019 йили биринчи марта жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмин молиялаштириш хатарларига миллий даражада баҳо берилди. Унинг натижалари бўйича аниқланган хатарларни минималлаштириш чоралари қўрилмоқда.

БМТ Глобал аксилтерор стратегияси (БМТ ГАТС)нинг тавсиялари ва бошқа халқаро ҳужжатларга мувофиқ равишда, мазкур ташкилотлар экспертларнинг фаол иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармони билан 2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси қабул қилинди. Унда экстремизм ва терроризмининг олдини олиш ва қарши курашишга, унинг молиялаштириш манбаларини бартараф этишга, шунингдек, бу соҳадаги миллий ва халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган самарали чора-тадбирлар мажмуини бошқичма-бошқич амалга ошириш кўзда тутилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси экстремизм ва терроризмга қарши кураш соҳасида инсон ҳуқуқлари ҳимоясини ва миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича аниқ ва муҳим вазифаларни бажаришига ҳаракат қилади.

Бу вазифалар